

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДИЖАЛИЛОВА ЗИЛОЛАХОН ХИКМАТУЛЛАЕВНА**

**ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ МОТОР ФУНКЦИЯСИНИ**  
**СЕКРЕТОЛИТИК ВА СТИМУЛЛОВЧИ ПРЕПАРАТЛАР**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**15.00.01 – дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

<b>Абдижалилова Зилолахон Хикматуллаевна</b> Юқори нафас йўллари мотор функциясини секретолитик ва стимулловчи препаратлар технологиясини яратиш.....	3
<b>Абдижалилова Зилолахон Хикматуллаевна</b> Разработка технологии производства секретолитических и стимулирующих моторную функцию верхних дыхательных путей препаратов.....	29
<b>Abdizhalilova Zilolakhon Hikmatullaevna</b> Development of technology for secretolytic drugs and stimulating the motor function of the upper respiratory tract.....	57
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	61

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДИЖАЛИЛОВА ЗИЛОЛАХОН ХИКМАТУЛЛАЕВНА**

**ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ МОТОР ФУНКЦИЯСИНИ**  
**СЕКРЕТОЛИТИК ВА СТИМУЛЛОВЧИ ПРЕПАРАТЛАР**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**15.00.01 – дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Fag20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Юнусова Хелида Маннановна</b> фармацевтика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оponentлар:</b>	<b>Назарова Зарифа Алимджановна</b> фармацевтика фанлари доктори, профессор <b>Олимов Немат Қайумович</b> фармацевтика фанлари доктори, профессор <b>Халилов Равшанжон Муратжанович</b> техника фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент кимё-технология институти</b>

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Fag.32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «9» декабрь соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «24» ноябрь даги 26 рақамли реестр баённомаси).



**К.С.Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**Ё.С.Кариева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Урманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, мавжуд бўлган носпецифик ва специфик касалликларнинг 85% ини яллиғланиш билан кечадиган касалликлар ташкил қилади<sup>1</sup> ва бу тиббиётнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ушбу касалликларни даволаш учун маҳаллий ўсимлик хом ашёлар ва синтез йўли билан олинадиган дори воситаларини яратиш, уларнинг сифат назоратини амалга ошириш, фармакологик фаоллиги ва безарарлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида кенг ишлатиладиган, жумладан яллиғланиш касаллигида қўлланиладиган дори препаратларининг муайян таркиб ва технологиясини ишлаб чиқиш, уларнинг замонавий таҳлил усулларини яратиш ва саноат миқёсида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, юқори нафас йўллари мотор функциясини секретолитик ва стимуловчи препаратлар технологиясини яратиш, янги иновацион технологиялар асосида фармацевтик ишлаб чиқаришни бойитиш, импорт ўрнини босувчи дори препаратлари сонини кўпайтириш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, хорижий давлатлардан олиб кириладиган дори воситаларнинг ўрнини босувчи ҳамда экспорт қилишга мўлжалланган иновацион технология асосидаги дори препаратларини яратиш, уларнинг турғунлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилиш бўйича изланишлар олиб борилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлашини яхшилаш»<sup>2</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, юқори нафас йўллари яллиғланишига қарши таъсир этувчи юқори самарали янги дори препаратларининг таркибини аниқлаш, мўътадил технологиясини ишлаб чиқиш, самарадор ва қулай дори шакллари яратиш, терапевтик фаоллигини исботлаш, безарарлигини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон қарорлари «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2018 йил 14 февралдаги ПФ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал

<sup>1</sup> Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборот бюллетени.2019/2

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республика фармацевтика саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги фармонлари ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Юқори нафас йўллари касалликларини даволовчи фармакотерапевтик гуруҳга кирувчи дори препаратлари технологияларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Queen Mary University of London (Буюк Британия), Institute of Pharmacokinetic and Analytical Studies (Швейцария), University of Alberta (Канада), Sitha Institute of Pharmaceutical Sciences (Ҳиндистон), Riga Stradins University (Латвия), University of Cagliari (Италия), И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика академиясида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Юқори нафас йўлларининг яллиғланишида кўлланиладиган препаратларни ишлаб чиқиш, фармакологик таъсирини белгилаш, ишлаб чиқаришга жорий қилишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: таблетка дори турини тайёрлаш учун композицион ва технологик жараёнларни оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi, АҚШ); доривор ўсимликлар асосида яллиғланишга қарши препаратлар яратилишининг фармакотехнологик жиҳатлари аниқланган (Korea Institute Oriental Medicine, Корея); дори препаратларининг биосамарадорлигини ўрганувчи инновацион технологиялар ишлаб чиқилган (И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси), иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бозорни ривожлантириш ва суюқ дори шакллари ишлаб чиқариш истиқболлари баҳоланган (Санкт-Петербург Давлат кимё-фармацевтика университети, Россия Федерацияси), нафас йўллари яллиғланишига қарши қиём, эликсир технологиялари ишлаб чиқилган (Харьков миллий фармацевтика университети, Украина).

Дунёда юқори нафас йўллари яллиғланишида ишлатиладиган янги препаратларни ишлаб чиқариш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: секретолитик ва стимулловчи таъсирга эга суюқ ва қаттиқ дори шакллари таркиби ва

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни маълумотлари [www.elsevier.com/locate/jethpharm](http://www.elsevier.com/locate/jethpharm), [www.springerlink.com/content](http://www.springerlink.com/content), [www.scopus.com](http://www.scopus.com) манбалар асосида кўриб чиқилган

технологиясини ишлаб чиқиш, турғунлигини таъминлаш, фармакологик таъсирини аниқлаш, сифатли ва безарар дори препаратини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юқори нафас йўллари яллиғланишида қўлланиладиган дори препаратларнинг таблетка, эликсир ва бошқа дори шакллари яратиш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш борасида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дунё миқёсида юқори нафас йўллари яллиғланишида ишлатиладиган препаратларнинг фармакотехнологик жиҳатларини аниқлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича: М.Cohen, G.F.Gebhart, R.D.Treede, J.J.Bonica, A.Carmon, U.Schweiger, P.Henningsen, M.S.Dove, D.W.Dockery, G.N.Connolly, J.A.Nadel, Н.В. Иванова, А.И.Тихонов, Е.А. Рубан, Т.Г. Ярных, И.И. Баранова, Н.А. Ляпунов, Е.В.Гладух, А.Л.Марченко, А.Ю.Васильев, Г.П.Вдовина, Т.В.Орлова, И.В.Стасева, И.В.Маев, Н.Л.Кунельская, Т.В.Рассказова, А.А.Смолькова, Ю.Л.Мизерницкий, И.М.Мельникова, Е.А.Вишнёва, Р.М.Торшхоева, А.А.Алексеева, К.С.Волковларнинг илмий тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Секретолитик ва нафас функциясини стимулловчи дори воситаларни турли шаклларда яратиш, турғунлигини таъминлаш, биофармацевтик нуқтаи назардан баҳолаш бўйича маҳаллий олимлар С.М.Маҳкамов, М.У.Усуббаев, У.М.Азизов, Х.К.Джалилов, З.А.Назарова, Х.М.Юнусовалар томонидан амалга оширилган ишларга эътибор қаратиш лозим.

Мазкур диссертация ишида юқорида келтирилган фармакотерапевтик гуруҳга мансуб дори препаратларнинг қобинирланган суюқ ва қаттиқ дори шакллари муайян таркиб ва инновацион технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг биофармацевтик хоссаларини аниқлаш бўйича тизимли тақдим этилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори нафас йўллари яллиғланишида қўлланиладиган дори шакллари муайян таркиб ва технологияси ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юқори нафас йўллари касалликларида қўлланиладиган эликсир, қиём ва таблетка ҳамда қобинирланган таблетка шаклидаги яллиғланишга қарши препаратларнинг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш, тайёр маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва турғунлигини таъминлашнинг асосий мезонларини аниқлаш;

тавсия этилаётган препаратларнинг миқдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;

тавсия этилаётган таркиб ва технологияда олинган эликсир, қиём, таблетка ва комбинирланган таблеткаларнинг биофармацевтик хоссаларини «in vitro» ва «in vivo» усулларида ўрганиш;

тавсия этилаётган препаратларнинг сақланиш шароити ва яроқлилик муддатини белгилаш;

олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб тавсия этилаётган дори препаратларини тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга руҳсат олиш учун меъерий - техник хужжатларни тайёрлаш ва ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида амброксол гидрохлориди, натрий бензоати ва эритромицин субстанциялари, ҳамда оққалдирмоқ ўсимлиги хом ашёлари, қизилмия куруқ экстракти ва улар асосида олинган эликсир, қиём ва таблетка дори шакллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** яллиғланишга қарши, юқори нафас йўллари мотор функциясига секретолитик ва стимуловчи таъсирга эга дори воситаларининг истеъмолга қулай дори шаклларининг таркиби, технологияси ва сифат меъёрларини ишлаб чиқиш, стандартлаш ва яроқлилик муддатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда технологик, физик, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор яллиғланишга қарши секретолитик таъсир қилувчи «Бронхотус Форте» эликсирининг таркиб ва технологияси ишлаб чиқилган;

секретомотор ва балғам кўчирувчи таъсирга эга «Амбронат» қиёмининг таркиб ва технологияси ишлаб чиқилган;

амброксол гидрохлориди асосидаги муколитик таъсирга эга «Амброл» таблеткаларининг таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган;

илк бор амброксол гидрохлориди ва эритромицин асосидаги яллиғланишга қарши таъсирга эга «Амброрит» комбинирланган таблеткалари таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган;

тавсия этилаётган препаратларнинг биофармацевтик хоссалари аниқланган ва етарли биологик самарадорликка эгаллиги исботланган;

тавсия этилаётган эликсир, қиём ва таблеткалар сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари яратилган ҳамда уларнинг биосамарадорлиги, сақланиш шароити ва яроқлилик муддати белгиланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар асосида секретолитик таъсирга қилувчи «Бронхотус Форте» эликсирини, секретомотор ва балғам кўчирувчи таъсирга эга «Амбронат» қиёми, муколитик таъсирга эга «Амброл» таблеткалари ва яллиғланишга қарши «Амброрит» комбинирланган таблеткалари сифат кўрсаткичлари аниқланган;

ишлаб чиқилган дори препаратлари учун сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатлари белгиланган;



«Амбронат» қиёми ва «Амброл» таблеткалари учун меъерий хужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган;

«Амброл» таблеткалари учун ишлаб чиқилган тажриба саноат регламенти тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончилилик даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллари, физик-кимёвий, технологик, фармакологик, биофармацевтик текширувларидан фойдаланганлиги, шунингдек уларни саноат шароитида ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти секретолитик таъсир қилувчи «Бронхотус Форте» эликсир, секретомотор ва балғам кўчирувчи таъсирга эга «Амбронат» қиёми ва муколитик таъсирга эга «Амброл» таблеткалари ҳамда яллиғланишга қарши таъсир қилувчи амброксол гидрохлориди ва эритромицин асосидаги «Амброрит» комбинирланган таблеткаларининг муайян таркиби ва технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бугунги кунда маҳаллий фармацевтика корхонасида «Амброл» таблеткаларини, шунингдек «Амбронат» қиёмининг ишлаб чиқарилаётгани, ушбу препаратларнинг ишлаб чиқарилиши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги ҳамда бу препаратлар биофаоллиги бўйича ҳориждан импорт қилинадиган секретолитик ва стимулловчи ҳамда яллиғланишга қарши таъсирга эга препаратлар ўрнини босишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори нафас йўллари мотор функциясини секретолитик ва стимулловчи препаратлар технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Амброл» таблеткаси учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-15745533-3853-2020). Ушбу корхона фармакопея мақоласининг тасдиқланиши секретолитик-муколитик таъсир этувчи дори воситаларни олиш имконини берган;

«Амбронат» қиёми учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-00481330-3945-2020). Ушбу корхона фармакопея мақоласининг тасдиқланиши яллиғланишга қарши таъсир этувчи дори воситасини олиш имконини берган;

«Амброл» таблеткалари ва «Амбронат» қиёми «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилган ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (DV/M №03010/03/20 ва №03191/05/20 гувоҳномалар). Мазкур препаратларнинг рўйхатдан ўтказилиши уларни маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқариш имконини берган;

«SAMO» МЧЖ билан ҳамкорликда «Амброл» таблеткалари учун ишлаб чиқилган тажриба саноат регламенти (ОПР 2072228-02-20) тасдиқланган. Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида секретолитик ва стимулловчи таъсирга эга ва юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларини даволаш имконини берувчи таблетка дори шакли учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 9 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 193 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юқори нафас йўллари мотор функциясига таъсир кўрсатувчи препаратлар: муаммонинг замонавий таҳлили»** деб номланган биринчи бобида юқори нафас йўллари яллиғланиши касалликларининг умумий таснифи ва уларни даволаш, нафас йўллари яллиғланишида қўлланиладиган препаратлар ва уларни фармакотерапевтик хусусиятлари, йўталга қарши доривор ўсимликлардан олинладиган дори турлари муаммолари, нафас йўллари мотор функциясига секретолитик таъсир кўрсатувчи ва стимулловчи препаратлар комбинацияси асосида муайян таркиб ва технология яратиш ва уларни ишлаб чиқишнинг асослари ёритилган.

Дори препаратларини янги шакллари технологиясини ишлаб чиқиш ва мавжуд дори турларини биофармацевтик хоссаларини яхшилаш борасидаги илмий ёндашув асосларини жалб этиш кераклиги акс эттирилган.

Адабиётлар шарҳи таҳлил қилиниб чиқиб долзарб объект ва илмий ишнинг предметлари танланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Объектлар, ёрдамчи моддалар, ускуналар ва тадқиқотлар усуллари**» деб номланиб, тадқиқот объектлари, тадқиқотларда қўлланилган ёрдамчи моддалар, тадқиқотларда қўлланилган таҳлил усуллари ва асбоб ускуналар, маҳаллий фармацевтика бозоридаги балғамни стимулловчи, муколитик ва комбинирланган йўталга қарши препаратларнинг таҳлили, маҳаллий фармацевтик бозорда йўталга қарши дори препаратларининг ишлаб чиқарувчилари таҳлили ва ушбу препаратларнинг маҳаллий бозордаги ассортиментини таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотларда «Drug Audit» электрон базаси ва Давлат Реестридаги (2018-2020) Ўзбекистон Республикасида ушбу препаратларнинг қайд этилганлиги, бу препаратларни ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг қиёсий таҳлил қилинди.

Изланишларда «Drug audit» базасининг сўнги 2018, 2019 ва 2020 йиллардаги кўрсаткичлари ўрганилди ва қиёсий баҳоланди. Шунингдек, юқори нафас йўллари касалликларида қўлланиладиган дорилар классификацияси ва амалда қўлланилаётган ёрдамчи моддалар ўрганилди.

Тадқиқот натижаларида келтирилган кўрсаткичлардан келиб чиқиб бу препаратларга эҳтиёж йилдан йилга ўсиб бораётгани кузатилди. Халқаро патентланмаган номлаш асосида ҳисобланган ушбу фармацевтика гуруҳи (йўталга қарши наркотик бўлмаган ва балғам кўчирувчи ва муколитик таъсирдаги) ассортиментининг маҳаллий фармацевтика бозоридаги тўлиқлик коэффициенти 0,58 га тенг эканлиги аниқланди, демак, маҳаллий фармацевтика бозорида мавжуд бўлган барча моддалар асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари мавжуд, аммо истеъмол учун етарли эмас. Сотиш номи бўйича кўрсаткич 0,75 ни ташкил этапти, яъни савдо номлари бўйича ассортиментнинг тўлиқлиги коэффицентининг қиймати даражаси паст. Тадқиқотлар балғам кўчирувчи ва муколитик препаратлар маҳаллий фармацевтика бозорида тўлиқ эмаслиги ва ушбу фармакотерапевтик гуруҳ препаратларининг тўлиқлиги коэффициенти 0,43 га тенг эканлигини кўрсатди.

Маҳаллий фармацевтика бозорида мавжуд бўлган йўталга қарши препаратларнинг ассортиментини ўрганиш жараёнида уларнинг келиб чиқишини (ўсимлик, синтетик ва комбинирланган) ҳисобга олган ҳолда дорилар номлари нисбати аниқланди ва таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари наркотик бўлмаган йўталга қарши препаратлар барча ўрганилган препаратларнинг гуруҳларида энг катта улуш (59%), яъни лидерлик синтетик воситалардан олинadиган дори препаратларига тўғри келишини кўрсатди. Ўсимлик хом ашёларидан олинadиган (30%) ва энг кам миқдорда комбинирланган препаратларга (11%) тўғри келиши кузатилди. Балғам кўчирувчи ва муколитик препаратларда эса синтетик ва ўсимлик хом ашёларидан олинган препаратлар бир-бирига яқин кўрсаткичларни (мос равишда 50 - 46%) намоён қилди. Комбинирланган препаратлар эса атиги 4% ни ташкил қилди.

Кейинги босқич тадқиқотларда ушбу фармакотерапевтик гуруҳга кирувчи препаратларнинг ишлаб чиқарувчиларининг қиёсий ўрганишга

бағишланди. ўрганилган йилларда (2018-2020йй.) маҳаллий фармацевтика бозорида ушбу препаратлар орасида ҳорижий ва МДХ давлатларининг препаратлари энг кўп қайд этилган (36% ва 46%) Ўрганилаётган препаратлар гуруҳида энг кўп номенклатура ҳорижий ишлаб чиқарувчилари томонидан маҳаллий бозорга келтирилган ва атиги 18% маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тўғри келиши кузатилди.

Маҳаллий фармацевтика бозорига кириб келаётган йўталга қарши наркотик бўлмаган дори препаратлари ўрганилганда МДХ давлатларидан кириб келадиган балғам кўчирувчи препаратлар миқдори йилдан-йилга кўпайиб бормоқдалигини кўрсатди.

Кейинги ўринда ҳориж ишлаб чиқарувчилари ва энг сўнги ўринни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар эгаллаб турибди. Ўрганилган йиллардаги ҳолат қуйидагиларни кўрсатди: 2018 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳорижий давлатлар билан бир хил миқдорда (19 минг қадок) дори препарати яратиб маҳаллий фармацевтика бозорига олиб кирган ва нуфузли ўринга эга бўлган. 2019 йилга келиб эса бу ҳолат ўзгариб ҳориждан бу препаратларнинг кириб келиши кўпайган (ҳориждан ва МДХ давлатларидан деярли 40-50 минг қадок) 2020 йилдаги ҳолат кузатилганда деярли маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бу гуруҳ препаратларини ишлаб чиқаришни (0,7 минг қадок) тўхтатган.

МДХ давлатларидан кириб келган шу гуруҳ препаратлари эса йилдан йилга камайиб бориб ҳориждан кириб келиши ортгани яна бир маротаба исботланди. Бу эса ўз навбатида ушбу препаратларга талабнинг ортиб боришини кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда маҳаллий фармацевтика бозоридаги йўталга қарши наркотик бўлмаган ва балғам кўчирувчи ва муколитик препаратлар асосан импорт эвазига эканлиги маълум бўлди. Бу эса ўз навбатида бундай препаратларни яратиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришга йўналтириш долзарблигини кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Бронхотус Форте» эликсирининг муайян таркиб ва технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар** деб номланиб, тавсия этилаётган «Бронхотус форте» эликсирини муайян таркибини танлаш борасидаги тадқиқотлар, Оқ қалдирмоқ (Tussilago Farfara L) ўсимлиги хом ашёсидан ажратма олиш технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар, «Бронхотус Форте» эликсирини технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар, тавсия этилаётган юқоридаги препаратнинг сифатини баҳолаш натижалари, ҳамда тавсия этилаётган таркибда олинган «Бронхотус Форте» эликсир таркибидаги биофаол моддаларининг миқдорини аниқлаш борасидаги тадқиқотлар натижалари келтирилди.

Олинган натижаларнинг метрологик тавсифи ўрганилиб олинган кўрсаткичлар келтирилган. Тавсия этилаётган балғам кўчирувчи, йўталга қарши хоссага эга эликсирни таркиби: қизилмия илдизи, оққалдирмоқ барглари ва амброксол субстанцияси ва ёрдамчи моддалардан иборат қилиб танланди.

Эликсирни таркибини танлаб олиш учун бир қанча ўсимликлар ўрганилиб, таъсири ва комплекс таркибда кўриб чиқилди.

Юқоридаги ўсимликлар, субстанциялар ва ёрдамчи моддаларни комплекс ҳолда ишлатишга мўлжаллаб йигирмадан ортиқ таркиблар ўрганилди ва бир - бирига яқин бўлган кўрсаткичларга намоён этган таркиблар қуйида келтирилди.

Тавсия этилаётган 7 таркиб 1 - жадвалда келтирилди.

1 - жадвал

**Тавсия этилаётган «Бронхотус Форте» эликсирининг таркиблар композицияси**

Ингредиентлар номи	Таркиблар, г						
	1	2	3	4	5	6	7
Амброксол гидрохлорид	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Қизилмия қуруқ экстракти	1,0	–	0,5	–	0,6	–	–
Глицеризин кислота	–	–	–	–	–	0,01	–
Ароматизатор	–		0,2		0,28		0,01
Натрий бензоат	–	–	0,3	–	0,5	–	–
100 мл гача							
Оққалдирмоқ суюқ экстракти	+		+	+			+
Гулхайри суюқ экстракти		+					
Маврак суюқ экстракти					+	+	
Қизилмия суюқ экстракти		+		+			+

Оқ қалдирмоқ (*Tussilago Farfara* L) ўсимлиги хом ашёсидан ажратма олишда бир қанча усуллардан фойдаланилди. Саноат миқёсида спирт-сувли ажратмалар одатда мацерация, касрли мацерация, гирдоб, мацерация-циркуляция, реперколяция, перколяция ва тезлаштирилган усуллар ёрдамида олинди. Ажратма олишда циркуляция сонини - биофаол моддаларни ажралиб чиқишини таъминлаш учун биз аввало мацерация-циркуляция усулида кунига 4, 6 мартаба циркуляция сонидан ажратма олинди. Бунинг учун 3 та перколятор олиб, унга «ёлғон» юза ҳосил қилиб, устига керакли ўсимлик хом ашёларини солиб, устидан филтёр қоғоз қўйиб чинни бўлакчалари билан бостирилди. Перколятор четидан ажратувчи сув шимиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда 20% ли этил спирти қўйилди. №1- перколяторни кунига 4 марта; №2- перколяторни кунига 6 мартадан циркуляция қилинди. Ҳар сафар олинган ажратмани ташқи кўриниши ва қуруқ қолдиқ миқдори аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

**Биофаол моддаларнинг ажралиб чиқишига циркуляция сони ва вақтнинг таъсири (спирт 20%, 1 : 10)**

Циркуляция сони (ҳар 24 соатда)	Экстракция давомийлиги, кун					
	1	2	3	4	5	6
	Биофаол моддаларнинг миқдори (қуруқ қолдиқ), %					
4 марта	0,3164	0,4291	0,4943	0,5009	0,5012	0,5211
6 марта	0,3177	0,4338	0,4582	0,5041	0,5013	0,5201
8 марта	0,3286	0,4439	0,4459	0,453	0,5019	0,5198

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, вақт мобайнида тадқиқотларда олинган натижа интенсив равишда кўтарилиб борган, яъни қуруқ қолдиқ миқдори ошиб борган. Ажратмада экстрагентнинг циркуляция сони ташқи кўриниши ва қуруқ қолдиқ кўрсаткичи бўйича баҳоланди ва бир суткада - 4 марта, тиндириш вақти эса 6 кун деб белгиланди. Олинган ажратмалар таркибидаги қуруқ қолдиқ миқдори XI ДФда келтирилган усул бўйича аниқланди.

3-жадвалда умумлаштирилган натижалар келтирилди.

3- жадвал

### Ажратма олишда асосий омилларнинг экстракция жараёнига таъсири

Экстракция шароити		Хом ашёга нисбатан биофаол моддаларнинг ажралиши, %
Майдалиқ даражаси, мм	1 гача	39,22
	1 – 3	94,67
	3,5-5	51,31
Экстракция ҳарорати, С	30-40	30,25
	50-60	41,96
	70-80	56,77
	90-100	94,51
Гидромодуль	1:10	89,95
	1:20	90,87
	1:30	82,54
	1:40	66,90
Экстракция давомийлиги, соат	10	63,54
	20	80,12
	30	87,53
	40	90,96

Оқ қалдирмоқ доривор ўсимлик хом ашёсидаги биофаол моддаларни физик-кимёвий хоссаларига қараб, ажратма олиш учун 20% ли этил спиртини ишлатиш мақсадга мувофиқ деб ва мўътадил майдалиқ даражаси 1-3мм бўлгандаги ўсимлик хом ашёдан мацерация-циркуляция усулида суяқ экстракт олинди.

«Бронхотус Форте» эликсирини технологиясини танлаш учун юқорида танлаб олинган ўсимлик хом ашёлари ва танлаб олинган ажратувчи ёрдамида қуйидаги таркиб бўйича олинди:

*Таркиби 100 мл учун:*

Амброксол гидрохлорид - 0,2 г  
 Қизилмия курук экстракти - 1,0 г  
 Оқ қалдирмоқнинг 20 % спиртли ажратмаси 100 млгача.

Оқ қалдирмоқ баргларидан этил спирти ёрдамида мацерация-циркуляция усулида 100 мл ажратма олинди. Сўнг ажратма 10<sup>0</sup>С дан юқори бўлмаган хароратда 5 кун давомида тиндирилди ва филтрланди. Керакли миқдорда амброксол гидрохлорид, қизилмия курук экстрактидан тортилиб, олинган суяқ экстракт билан 100 мл гача етказилди ва яхшилаб аралаштирилди. Тайёр бўлган эликсир тиниқ жигар рангли, ўзига хос ҳидга эга, бир оз ширин мазага эга суяқлик. Эликсирни 100 мл ли қўнғир шиша идишга қадоқланди ва кейинги тадқиқотларга олиб қўйилди.

Олинган эликсирнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал

### «Бронхотус Форте» эликсирининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш

Ўрганилган кўрсаткичлар	Таркиблар						
	Т-1	Т-2	Т-3	Т-4	Т-5	Т-6	Т-7
Органолеп-тик хосса-лар	Тиниқ оч жигар ранг суяқлик	Тиниқ оч жигар ранг суяқлик	Тиниқ оч жигар ранг суяқлик	Тиниқ оч жигар ранг суяқлик	Тиниқ оч жигар ранг суяқлик	Тиниқ оч жигар ранг суяқлик	Тиниқ оч жигар ранг суяқлик
рН	6,3	4,9	4,8	5,1	5,3	4,8	4,8
Қадоқда ҳажмдан четланиш, %	2,5	3,2	2,6	3,1	2,5	2,2	3,1
Микробиологик тозалиги	ДФ XIII, Категория 3Б	ДФ XIII, Категория 3Б	ДФ XIII, Категория 3Б	ДФ XIII, Категория 3Б	ДФ XIII, Категория 3Б	ДФ XIII, Категория 3Б	ДФ XIII, Категория 3Б
Зичлик, г/см <sup>3</sup>	1,228	1,112	1,121	1,120	1,022	1,114	1,145
Ёт моддалар, %	0,35	0,99	1,87	1,32	0,54	1,26	1,54

4 -жадвалдан кўришиб турибдики, Т-1 композициядан ташқари барча композициялар ўрганилган сифат кўрсаткичларининг айримлари билан талаб даражасида эмас. Масалан Т 2, Т 3, Т 4, Т 6 композицияда олинган эликсирлар рН кўрсаткичлари билан талаб даражасидан паст кўрсаткичларни намоён қилгани кузатилди. Эликсирнинг зичлиги кўрсаткичи билан эса Т 1 дан ташқари барча композицияларда паст кўрсаткич намоён бўлиб турибди. Ёт моддалар бўйича эса Т 1, Т 2 ва Т 5 композицияда олинган эликсир талаб даражасида эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, 4-жадвалдаги комбинирланган композициялардан ташкил топган таркиблар билан қилинган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, «Бронхотус Форте» эликсири учун Т 1 - композициядаги таркиб танлаб олинди. Тавсия этилаётган «Бронхотус Форте» эликсири таркибидаги биофаол моддалар миқдори ЮССХ ва спектрофотометрия усулларида олиб борилди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Амбронат» қиёмининг муайян таркиб ва технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар деб номланиб, «Амбронат» қиёмини муайян таркиб ва технологиясини яратиш борасидаги тадқиқотлар, уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ўрганиш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Навбатдаги тадқиқотлар «Амбронат» қиёмини тайёрлаш мақсадида ширин маза берувчи компонентни танлашга қаратилди.

Тавсия этилаётган оддий қиёмлар таркиби 5-жадвалда келтирилди.

5-жадвал

### Тавсия этилаётган оддий қиёмлар (қиём учун асос) таркиби

Компонентлар	Қиёмлар			
	1	2	3	4
Шакар	64	-	-	-
Фруктоза	-	70	50	-
Сорбит	-		20	70
Тозаланган сув	36	30	30	30

Қиёмларни тайёрлаш традицион усулда олиб борилди. Бунинг учун ширин маза берувчилар 100<sup>0</sup> С ҳароратгача қиздирилиб концентранган эритмалари тайёрланди. Сўнгра совитилиб амброксол гидрохлорид эритмаси қўшилди. Бу жараёнда тайёрланган қиёмлар микробиологик тозалиги бўйича 3 Б категория тозаликга жавоб бериши ўрганилди.

6-жадвалда юқоридаги таъм берувчилар билан танланган таркиблар келтирилди ва тадқиқотлар шу таркиблар билан давом эттирилди.

6-жадвал

### Таъм берувчилар (асослар) билан ўрганилган таркиблар

Компонентлар	Таркиблар, г			
	Т-1	Т-2	Т-3	Т-4
Амброксол гидрохлорид	0,3	0,3	0,3	0,3
Шакар қиёми	65	-	-	-
70% Фруктоза : сорбит эритмаси	-	-	65	-
Сорбит	-	65	-	-
70% Фруктоза эритмаси	-	-	-	65

Тадқиқотлар учун тайёрланган қиёмлар намуналари зич ёпиладиган идишга жойланди ва 15<sup>0</sup> С дан то 25<sup>0</sup>С табиий шароитда сақлаш учун қолдирилди. Вақти вақти билан бир ой давомида қуролланмаган кўз билан



юзадаги ва ички микроорганизмларнинг ўсиши кузатиб борилди. Хато қилмаслик мақсадида тайёрланган қиёмлар узлуксиз стандарт тестлар билан солиштирилиб хулоса қилинди. Микроорганизмларнинг миқдорий таҳлили Петри идишида икки қаватли агар усулида ўрганилди.

Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилди.

Олинган натижалар тайёрланган қиёмлар стерил эмаслигини ва бактериялар мажмуаси мавжудлигини кўрсатиб турибди. Бу эса ўз навбатида консервантлар қўшиш лозимлигини кўрсатади.

7-жадвал

**«Амбронат» қиёмининг микробиологик тозаллигини ўрганиш натижалари (консервантсиз)**

Намуналар сони	1г қиёмдаги тирик микроорганизмлар				Staphylococcus aureus, Enterobacteriaceae, Pseudomonas aeruginosa оиласига мансуб бактериялар	
	бактериялар		замбуруғлар			
1	<i>Тайёрлангандан бир соат кейин</i>	<i>30<sup>0</sup>С ҳароратда 5 кун дан кейин</i>	<i>1 соатдан кейин</i>	<i>5 кундан кейин</i>	<i>1 соатдан кейин</i>	<i>5 кундан кейин</i>
2	50	370	10 дан кам	10 дан кам	йўқ	йўқ
3	80	560	10 дан кам	10 дан кам	йўқ	йўқ
4	70	310	10 дан кам	10 дан кам	йўқ	йўқ
5	40	740	10 дан кам	10 дан кам	йўқ	йўқ

Тадқиқотларда қуйидаги консервантлар билан қиём намуналари тайёрланди: калий сорбат, нипагин ва натрий бензоат кабилар.

Янги тайёрланган қиёмларнинг микробиологик тозаллигини текшириш натижалари 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

**Консервантлар билан тайёрланган «Амбронат» қиёмларнинг микробиологик тозаллигини текшириш натижалари**

Консервант	1г қиёмдаги тирик микроорганизмлар			Salmonella, Staphylococcus aureus, Pseudomonas aeruginosa оиласига мансуб бактериялар мавжудлиги
	Бактериялар	Замбуруғлар	Энтеробактерий ва бошқа грамманфий бактериялар	
Натрий бензоат 0,2%	30	10 дан кам	10	йўқ
Натрий бензоат 0,5%	20	10 дан кам	8	йўқ
Нипагин 0,1%	40	10 дан кам	13	йўқ
Нипагин 0,2%	30	10 дан кам	11	йўқ
Калий сорбат 0,1%	35	10 дан кам	16	йўқ

«Амбронат» қиёмини таркибини танлашда натрий бензоат консервант, ва балғам кўчирувчи хоссали асосий иккинчи биофаол модда ҳисобида

олинди. Шу сабабли кейинги тадқиқотлар учун 0,5% ли натрий бензоатни танлаб олинди. Тавсия этилаётган қиёмнинг эрувчанлигини ошириш, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини олдини олиш ҳамда амброксол гидрохлорид аччиқ таъмини яхшилаш мақсадида қиёмлар таркибига корригент ва стабилизаторлардан 0,067 г лимон кислотаси ҳам қўшилди. Шунингдек, бактерицид модда сифатида эса пропиленгликоль олинди. Пропиленгликоль қиёмларда бир вақтнинг ўзида эритмани қуюқлаштирувчи вазифасини ҳам бажариши эътиборга олинди (9-жадвал).

9 - жадвал

**Тавсия этилаётган «Амбронат» қиёмининг таркиблар композицияси**

Ингредиентлар номи	Таркиблар, г						
	1	2	3	4	5	6	7
Амброксол гидрохлорид	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3
Натрий бензоат	–	–	0,3	–	0,5	–	–
Фруктоза	-	65,0	20,0	25,0	-	-	-
Шакар	65,0	–	25,0	–	65,0	20,0	65,0
Метилцеллюлоза	1,67	1,0	–	–	–	–	0,56
Гидроксиэтилцеллюлоза	–	–	0,9	0,3	0,5	0,5	0,5
Лимон кислотаси	0,1	–	0,167	–	0,067	0,2	0,067
Сорбит	-	-	20,0	40,0	-	45,0	-
Ароматизатор	0,072				0,28		
Натрий цитрат	1,0	–	–	–	0,172	0,1	0,1
Пропиленгликоль (мл)	10,28	–	–	10,0	10,32	10,0	10,32
Этил спирти 96%		7,5			9,0		
Тозаланган сув	100 млгача						

Олинган қиёмларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганиш натижалари 10-жадвалда келтирилди.

10-жадвал

**Ўрганилган қиёмларнинг сифатини баҳолаш натижалари**

Ўрганилган кўрсаткичлар	Таркиблар						
	Т-1	Т-2	Т-3	Т-4	Т-5	Т-6	Т-7
Органолептик хоссалар	Ширин мазали, апельсин хидли	Ширин мазали, апельсин хидли	Ширин мазали, апельсин хидли	Ширин мазали, апельсин хидли	Ширин мазали, апельсин хидли	Ширин мазали, апельсин хидли	Ширин мазали, апельсин хидли
pH	5,0	7,6	5,7	7,8	6,3	4,6	6,8

Динамик ёпиш-қоқлиги, МПа·с	86,301 ± 1,366	99,435 ± 1,231	145,387 ± 1,901	171,875 ± 2,431	41,768 ± 1,765	38,265 ± 2,237	47,543 ± 1,546
Микробиологик тозаллиги	Категория 3А талабига мос	Категория 3А талабига мос	Категория 3А талабига мос	Категория 3А талабига мос	Категория 3А талабига мос	Категория 3А талабига мос	Категория 3А талабига мос
Зичлик, г/см <sup>3</sup>	1,1432 ± 0,214	1,1565 ± 0,135	1,1411 ± 0,173	1,1325 ± 0,162	1,1225 ± 0,145	1,1467 ± 0,186	1,1455 ± 0,198
Ёт моддалар,%	1,25	0,99	0,87	1,32	0,34	0,36	1,54

10-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан келиб чиқиб, Т-5 композициядан ташқари барча композицияларда ўрганилган сифат кўрсаткичларининг айримлари талаб даражасида эмаслиги кузатилди.

Тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, «Амбронат» қиёми учун 5 - композициядаги таркиб танлаб олинди.

«Амбронат» қиёмининг технологияси қуйидагича олиб борилди: қиём қайнатишга мўлжалланган қозонга тозаланган сув солиниб 50-60°С ҳароратгача қиздирилади ва узлуксиз аралаштириб туриб керакли миқдор шакар солинади. Аралаштиргичнинг тезлиги дақиқасига 30-40 деб олинади. Оддий қиём тайёрлашга 30 дақиқа вақт кетади. Қиёмнинг тайёр бўлганлигини унинг концентрациясини аниқлаб билиб олинади. Оддий қиёмнинг концентрациясини рефрактометрдан фойдаланиб аниқланади. Сўнгра тайёр қиёмга керакли миқдор натрий бензоати қўшилади. Бунда аралаштиргич тезлиги дақиқасига 60 қилиб белгиланди. 20 дақиқа аралаштириб қиёмни 50±3°С (ДФ XIII) совутилади. Сўнгра амброксол гидрохлорид этил спиртида эритилиб эритмага қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган қиём филтрланади.

«Амбронат» қиёми технологиясининг критик босқичлари 11-жадвалда келтирилди.

11-жадвал

#### «Амбронат» қиёмини технологиясининг критик босқичлари

Режим	Технологик босқичларнинг номи	Изоҳ
Ҳарорат режими	ТЖ 4. Шакар қиёмини қайнатиш	Қиздириб юбориш қиёмнинг карамелизациясига олиб келади
Қиёмдаги шакар миқдори	ТЖ 5. «Амбронат» қиёмини олиш	Шакарнинг юқори концентрацияси ёрдамчи моддаларнинг эришини секинлаштиради
рН муҳит	ТЖ 5. «Амбронат» қиёмини олиш	Кислотали муҳит - сахарозанинг инверсияга учрашига олиб келади

Аралаштиргичнинг айланиш кўрсаткичи	ТЖ 5. «Амбронат» қиёмини олиш	Қиёмда доза бир хиллиги кўрсаткичига таъсир этади
Микробиологик тозалик	ЁИ 1.Ишлаб чиқаришни санитар тайёргарлиги ЁИ 2. Дастлабки хом ашёларни тайёрлаш ТЖ 3. Оддий қиёмни олиш ТЖ 5. «Амбронат» қиёмини олиш ҚЁЖ 6. Ўраш ва қадоқлаш	Микробиологик тозаллиги йўқолади. Қиём ранги, ҳиди. таъми, ўзгаради. Қиём ҳираланади, чўкма ҳосил бўлади.

Тавсия этилаётган «Амбронат» қиёмининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 12 -жадвалда келтирилди.

12-жадвал

### Танлаб олинган «Амбронат» қиёмининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш

Ўрганилган кўрсаткичлар	Спецификация (Меъёрда)	Олинган натижалар
Ташқи кўриниши	Ширин мазали, апельсин ҳидли, тиниқ, ёпишқоқ суяқлик	Мос келади
Чинлиги	1.Текширилувчи эритма хроматограммасида асосий доғ стандарт эритма билан амброксол гидрохлорид бир қаторда туриши лозим. 2.Хлоридларга хос реакция. 3.Бирламчи аминларга хос реакция. 4. Текширилувчи эритма хроматограммада пропиленгликолнинг асосий чўққини ушлаши ишчи эритма билан мос тушиши ва 5 дақиқа ушланиши керак. 5.Бензоат ионига хос реакция 6. Этил спиртига хос реакция.	Мос келади Мос келади Сариқ доғ ҳосил бўлди 4,5 дақиқа Пушти - сариқ чўкма ҳосил бўлди  Оч сариқ чўкма ҳосил бўлди
Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	1,200 дан то 1,240	1228
рН муҳити	5,0 - 7,5	6,3
Ёт моддалар,%	Текширувчи эритма хроматограммасида асосий доғдан ташқари яна иккитагача доғ бўлишига рухсат этилади. Аммо улар амброксол гидрохлориднинг стандарт эритмаси доғидан катта бўлмаслиги керак (хар бир ёт модда 0,5% дан катта бўлмаслиги керак). Шунингдек, старт чизиғида фақат битта доғ бўлишига рухсат этилади Аммо улар амброксол гидрохлориднинг стандарт эритмаси доғидан катта бўлмаслиги керак (хар бир ёт модда 1% дан катта бўлмаслиги керак).	0,38  0,89
Қадоқда тўлдирилган ҳажм	Қадоқлашнинг 50 мл, 90 мл и 100 мл эритма учун ±3%, 200 мл учун эса ±1,5% ҳажмдан четланиш мумкин.	ОСТ 64-492-85.

Микробиологик тозалик	3А Категория	Талаб даражасида
Микдорий таҳлил: -Амброксол гидрохлорид -Натрий бензоати	1 мл препаратда 0,0027г дан 0,0033 г гача	0, 0029г  0,0050г

«Амбронат» қиёмининг биофаол моддаларидан амброксол гидрохлорид спектрофотометрик ва натрий бензоат суюқлик хроматографияси усулида олиб борилди.

Диссертациянинг бешинчи боби «Амброл» ва «Амброрит» таблеткаларининг муайян таркиб ва технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар деб номланиб, шу йўналишда олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилди. Таблетка шаклидаги юқори нафас йўллари яллиғланишида ишлатиладиган препаратларни таркиби ва технологиясини танлашнинг асосий критерияларини ўрганиш натижалари келтирилди.

Тадқиқотлар амброксол гидрохлорид ва эритромицин таъсир этувчи моддаларнинг технологик хоссаларини ўрганишдан бошланди.

Олинган кўрсаткичларда амброксол гидрохлориднинг энг кўп қисми - 2000+1000 мкм фракцияга тўғри келиши (23,49%), -500+250 ва -250 фракцияда деярли бир хил кўрсаткични намоён қилаётгани (20,35% ва 20,20% мос равишда), энг ками эса +2000 (1,75%) фракцияда қолгани кузатилди. Ўртача масса оғирлиги кўрсаткичи ўлчами 587,54 мкм га тўғри келгани кузатилди. Эритромицин кукунида эса энг катта фракция -500 + 250 га (25,58%) тўғри келди, -1000 + 500 ва -250 фракциядаги кўрсаткичлар бири-бирига яқин эканлиги (23,78% ва 23,39% мос равишда) кузатилди. Эритромицин кукуни заррачаларининг ўртача масса оғирлиги 498,95 мкмга тўғри келди.

Дастлабки хом ашёларнинг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари 13-жадвалда келтирилди.

13-жадвал

**Ўрганилаётган дастлабки хом ашёларнинг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

Ўрганилган кўрсаткичлар	Дастлабки хом ашёлар	
	Амброксол гидрохлорид	Эритромицин
Ташқи кўриниши	оқ рангли кукун	оқ рангли кукун
Сочилувчанлик, 10 <sup>-3</sup> кг/с	0,998±0,055	0,897±0,065
Табий оғиш бурчаги, градус	58,4±1,91	49,2±1,16
Сочилма зичлик, кг/м <sup>3</sup>	276,39±15,24	347,11±10,45
Прессланувчанлик, Н	94	86
Прессланиш коэффициентлари	1,02±0,036	1,01±0,042
Зичланиш коэффициентлари	6,9±0,043	4,8±0,015
Қолдиқ намлик, %	3,25±2,02	3,42±1,99

Жадвалдаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, ўрганилган бир қатор хоссалар ижобий эмас. Масалан, сочилувчанлик  $0,998 \cdot 10^{-3}$  кг/с биринчи кукун кўрсаткичи бўлса иккинчисидан эса  $0,897 \cdot 10^{-3}$  кг/с ни ташкил этаяпти. Мос равишда табиий оғиш бурчаги 58,4 градус ва 49,2 градус кўрсаткични намоён қилаяпти. Шунингдек, прессланувчанлик мос равишда 94 Н ва 86 Н ташкил этаяпти. Ушбу кўрсаткичлар салбий эканлиги амброксол гидрохлорид ва эритромицин асосида олинаётган таблеткаларнинг таркибига ёрдамчи моддаларни қўшмасдан сифатли тайёр маҳсулот олиш мумкин эмаслигидан далолат беради.

14-жадвалда бир - бирига яқин кўрсаткичлар намоён қилган, тўғридан - тўғри пресшлашга мўлжалланган таркиб композициялари келтирилди. Тўғридан - тўғри прессланиб олинган «Амброл» таблеткалари четлари синиқ, диаметри баландлигига нисбатан жуда катта (47%), синишга бўлган қаттиқлиги эса жуда паст 22 Н ташкил қилди. «Амброрит» таблеткаларининг қолипдан чиқиши қийин бўлди, четлари синиқ таблеткалар олинди.

14-жадвал

**«Амброл» ва «Амброрит» таблеткаларини олиш учун ўрганилган таркиблар композицияси**

Ингредиентлар	«Амброл» таблеткалари					«Амброрит» таблеткалари				
	Композициялар, г									
	Т-1	Т-2	Т-3	Т-4	Т-5	Т-1	Т-2	Т-3	Т-4	Т-5
Амброксол гидрохлорид	0,0300	0,0300	0,0300	0,0300	0,0300	0,030	0,030	0,030	0,030	0,030
Эритромицин						0,200	0,200	0,200	0,200	0,200
Повидон	0,0024	0,0012	0,0024	0,0214		0,02	0,020		0,052	0,003
Сахароза		0,1446		0,1446			0,032			0,049
Лактоза моногидрат	0,1446		0,1446		0,1446			0,035		
Жўхори крахмали			0,0214					0,017		
Картошка крахмали	0,0214	0,0024		0,0036	0,0238	0,022		0,030		0,015
Микрокристаллик целлюлоза		0,0380	0,0380	0,0380	0,0380					
Магний стеарати		0,0214	0,0240						0,015	
Кремний диоксид	0,0392		0,0012	0,0240	0,0240					
Кальций стеарати	0,0240	0,0240		0,0240	0,0012	0,003	0,003	0,003	0,003	0,003
Ўртача оғирлик	0,2400	0,2400	0,2400	0,2400	0,2400	0,300	0,300	0,300	0,300	0,300

Шу сабабли тадқиқотларни нам донадорлаш усулида юқорида келтирилган композициялардан олиб боришга қарор қилинди. Нам донадорлаш учун фармация саноатида кенг қўлланилиб келаётган қуйидаги

ёрдамчи моддалардан фойдаландик: картошка ва жўхори крахмалларининг турли (2%, 5% ва 10%) концентрациядаги эритмалари, повидон эритмалари (0,5%, 1% ва 2%), турли концентрациядаги (40%, 70% ва 96%) этил спирти, тозаланган сув кабилар. Тадқиқотларда олинган натижалар асосида «Амброл» таблеткалари технологияси учун нам дондорлаш усулида 2% крахмал клейстери энг мақбул намловчи восита эканлиги аниқланди ва кейинги тадқиқотлар шу восита ёрдамида дондорлаб олинган таблеткаларда олиб боришга қарор қилинди.

«Амброл» таблеткасини олишнинг технологик жараёни куйидагича олиб борилди: керакли микдордаги амброксол гидрохлорид, лактоза моногидрат ҳамда микрокристаллик целлюлоза олиниб эланади (тешиklarининг диаметри 150 мкм элакдан фойдаланилади) ва яхшилаб аралаштирилади. 2% жўхори крахмали эритмаси билан намланади ва қуритгичда 50<sup>0</sup>С ҳароратда муайян қолдиқ қолгунча қуритилади. Сўнгра упаловчи аралашма (калий диоксиди + жўхори крахмали + кальций стеарати) билан упаланади ва эланиб преслаш жараёнига ўтказилади. «Амброл» таблеткасини преслаш 100-180 МПа оралиғида олиб борилиши лозим.

«Амброл» таблеткасини сифатини ўрганиш натижалари 15-жадвалда келтирилди.

15-жадвал

#### «Амброл» таблеткасини сифатини ўрганиш натижалари

Композиция-лар	Ташқи кўриниши	Ўртача оғирлик ва ундан четланиш, г	Парчала нувчанлик, дақ	Ишқаланишга бўлган қаттиқлик, %	Синишга бўлган қаттиқлик, Н	Таблетка баландлигининг диаметрига нисбати, %
Т-1	Оқ рангли, ўзига хос хидли, таблеткалар	0,240 ± 2,44	21	87,54± 3,21	37	40,21±0,59
Т-2	-//-	0,241 ± 2,15	19	91,26± 1,94	39	38,73±2,43
Т-3	-//-	0,239 ± 3,27	9	98,95± 2,43	65	36,95±1,15
Т-4	-//-	0,240 ± 1,67	15	89,26± 1,57	45	39,84±3,27
Т-5	-//-	0,238 ± 3,98	19	90,14± 2,48	52	40,11±2,32
Т-6	-//-	0,239 ± 3,54	25	89,53± 2,17	45	28,99±1,54
Т-7	-//-	0,241 ± 2,23	17	92,67± 1,49	43	42,11±1,76

Юқоридагилардан келиб чиқиб таблеткалар сифатини белгиловчи барча ўрганилган сифат кўрсаткичлар Т-3 композициядаги таркибда олинган таблеткаларга тўғри келганини инобатга олиб кейинги тадқиқотлар учун шу таркиб муайян деб топилди ва кейинги тадқиқотларга асос бўлди.

«Амброрит» таблеткаси кўп компонентли гуруҳ таблеткалар гуруҳига мансуб бўлиб, таркибдаги ҳар иккала биофаол модда алоҳида алоҳида ва биргаликда аралашма ҳолатида ҳам ўрганилди. Олинган натижалардан келиб

